

XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИНИНГ
АФРИКАДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ

Бегматова Ойдина Холмуратовна

*Тошкент давлат педагогика университети**2-курс магистранти*

Маълумки, мустамлакачилик - бу зўравонлик, халқлар устидан кучли назорат ўрнатиш, уларнинг табиий бойлик ҳамда ресурсларини талон-торож қилишдан иборатдир. Узоқ ва яқин ўтмишда бунга кўплаб мисоллар бор. Афсуски, ушбу номақбул сиёсат ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Бугун ҳар томонлама ривожланган ва улкан кудратга эга давлатларнинг бошқарув тизимида мустамлакачилик сиёсатини кузатишимиз мумкин. Демак, ҳозирги таҳликали ҳамда миллий озчилик устидан назорат ўрнатиш, босиб олишга интилиш кучайган бир даврда ҳар бир киши замон руҳини тўғри англаши, ўзи учун хулосалар чиқариб яшаши талаб қилинади. Қолаверса, ўз давлати атрофида жипс бўлиши, халқининг умуминсоний қадриятларини муносиб ҳимоя қилиши, турли таҳдид ва ташвиқотларга муносиб жавоб бера олиши ҳам лозимдир.

XIX аср саноат цивилизацияси қарор топган давр бўлиши билан бирга, драматик воқеаларга ҳам бой кечган. Яъни дунёда ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, жамиятдаги ролларнинг қайта тақсимланиши, янги цивилизацияга қадам қўйган миллий озчилик халқларда мажбурий тартибда буржуача қадриятлар ва ахлоқ нормаларининг сингдирилиши кўплаб кўзғолонлар, инқилоблар рўй беришига замин яратди. Энг ачинарлиси, ушбу талатўпларнинг аксарияти миллий озчилик томонининг жабрланиши билан якун топган.

Дунёни қайтадан тақсимлашга интилиш XIX асрнинг 70-90 йилларида кескин кучайди. Айнан шу вақтда Европа давлатлари Африка қитъасини забт этишга қатъий бел боғладилар. 1876 йилда европаликлар қитъанинг 19,8 фоизини эгаллаган бўлса, 1900 йилга келиб улар Африканинг 90 фоиз ҳудудини бўйсундиришди.

Қисқача айтганда, мустамлакачилик сиёсати натижасида XIX аср охирига келиб дунё харитасида “эгалланмаган ерлар” қолмади. Ҳар томонлама раванқ топган мамлакатларнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги унча ривожланмаган мамлакатларга таъсири янада кучайди. 1870 - 1914 йиллар мобайнида ривожланган мамлакатларнинг бўлғуси учинчи дунё мамлакатлари иқтисодиётига инвестиция қилинган капитали 5,3-5,5 марта ортди. Мазкур мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) умумий ҳажмининг 1/3 га тенглашди. Шундан ай шароитда мустамлакаларни қайтадан тақсимлаш масаласи яна кун тартибига чиқди. Натижада *вужудга* келган рақобатни куч билан ҳал қилишга интилиш кучайди. Қуролланиш пойғаси авж олди, иқтисодни милитаризациялаш *мислсиз* кўринишга эга бўлди.

XIX асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб мустамлакачилик сиёсатининг йўналиши аввал босиб олинган мустамлака ҳудудларини ўзлаштириш ва янги мустамлакалар босиб олишга қаратилди.

1884-1885 йилларда бўлиб ўтган Берлин конференцияси Европа давлатларининг Африка қитъасини мустамлакага айлантириш ва қайтадан бўлиб олишга бағишлангани билан тарихда қолган. Конференция Германия ва Франция ташаббуси билан чақирилган бўлиб, 1884 йилнинг 15 ноябидан 1885 йилнинг 26 февралигача давом этган. Унда Европанинг 12 та давлати, шунингдек, АҚШ ва Туркия ҳам қатнашади. Конференция кун тартибига Африка қитъасини босиб олиш, Конго ва Нигер дарёларида кема қатновини йўлга қўйиш, қитъанинг босиб олинган ва ҳали эгалланмаган ҳудудларини капиталистик давлатларнинг миллий бойлигига айлантириш масалалари киритилди. Ушбу конференция ва унда белгиланган тегишли ҳужжатларга асосан, Африка Европа давлатларининг мустамлакачилик ва иқтисодий экспансиясининг объекти сифатида қаралади.

Берлин конференцияси узоқ давом этиши билан бирга, узоқ тортишувларга ҳам сабаб бўлган. Конференцияга раислик қилган ўша пайтдаги Германия канцлери Бисмаркнинг таклифи билан ушбу сиёсий тадбирнинг Яқунловчи акти имзоланади. Кун тартибидаги охириги масала эса эффектив оккупация тўғрисидадир. Эффектив оккупация тамойилига кўра, янги босиб олинган ерларда давлатларнинг “эркин савдо ва транзитни” таъминлаш ҳукуқи илгари сурилади.

Умуман олганда, Берлин конференцияси халқлар ҳуқуқларини поймол қилувчи империалистик сиёсатнинг намойиши бўлди. XIX аср 80-йилларида Тропик Африкадаги “Лагос обсервер” газетаси 1885 йил 19 февраль сониди шундай ёзади: “Дунё ҳали ҳеч қачон бундай катта миқёсдаги ва сурбетларча қилинган талончиликка гувоҳ бўлмаган эди. Бироқ Африка қаршилик қилишга ожиз”. Мустамлакачилар Африкани бўлиб олишга киришар эканлар ўзлари учун Африка ҳудудларини “қонуний” эгаллаб олишнинг қоидаларини, бутун бошли қитъани эгаллаш ва бўлиб олишга рухсат бериш ҳуқуқини ўрнатдилар.

Европа мамлакатлари Африкани қуйидаги тартибда бўлиб олдилар. Буюк Британия қитъанинг 37,7 фоиз қисмини босиб олган. Бу ҳудудда 76,9 миллион кишилар ёки Африка қитъаси умумий аҳолисининг 49,4 фоизи истиқомат қиларди. Буюк Британияга қарашли ҳудуд қитъанинг, асосан, жанубий ва марказий қисмида жойлашган, унга аҳолиси кўп ва бой ерлар кирарди.

Франция Африка қитъасининг катта қисми — 50,5 миллион аҳоли (африкаликлар умумий сонининг 32,3 фоиз) яшайдиган 42,1 фоиз ҳудудини эгаллаган. Французларга қарашли мустамлаканинг асосий қисми Ғарбий ва Экваториал Африкада жойлашган. Унинг асосий қисми Саҳрои Кабир ҳиссасига тўғри келади. Бу ерларда табиий бойликларнинг аниқланган захираси унчалик кўп бўлмаган. Қолган ҳудудларни Бельгия, Португалия, Испания, Германия ва Италия ўзаро бўлишиб олишган.

Эътибор бериш керакки, Европа давлатлари томонидан Африканинг фақат иккита давлат босиб олинмаган. Уларнинг биринчиси — Эфиопия. Италия қўшинлари

1896 йили уни босиб олиш учун жўнатилади, бироқ енгилди. Шу боис Эфиопия ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Иккинчиси, эса — Либериядир. Ушбу давлатга Америкадан чиққан қора танлилар асос солганлиги учун АҚШ ҳомийлигида мустақил бўлиб қолганди.

Албатта, мустамлакага айлантирилган Африка давлатлари миллий озодлик учун ҳаракатлар олиб борди. Бироқ уларнинг барча ҳаракати зое кетди. Европаликлар эса Африка қитъасини XX асрнинг 60-йилларига қадар ўз назорати остида ушлаб туришди.

Африка халқларининг ўзига хос маданиятлари, тарихи ва қадриятлари Ғарбнинг илғор цивилизацияси таъсирида йўқ бўлиб кетмади. Маълум трансформацияга юз тутди, холос. Айниқса, анъанавий жамиятларда диний қобикқа ўралган ва диний тасаввурлар тарзида сақланиб келаётган қолоқ, тараққиётга ғов бўлаётган урф-одатларнинг барҳам топиши цивилизациялар яқинлашувида катта аҳамиятга эга бўлди.

Дарвоқе, XIX асрга келиб Европа давлатларининг Африка билан муносабатларида янги тенденциялар юзага келди. Хомашё манбалари борган сари кўпроқ аҳамият касб эта бошлади. Европа капиталистик давлатларида қул савдоси бекор қилинганидан сўнг уларнинг асосий диққат-эътибори Африка қитъасини босиб олишга қаратилди. 1876 йилгача европаликлар томонидан қитъанинг фақат 10 фоизи эгалланган бўлиб, бу асосан, қирғоқбўйларидаги таянч пунктлари эди³².

Бу борада Францияни мисол қилиб оладиган бўлсак, 1834 йили қирол Луи-Филипп Жазоирнинг Францияга қўшиб олинганини ва генерал-губернатор бошчилигида Африкадаги француз ерларининг маъмурияти тузилганини эълон қилди.

XIX аср охирига келиб, Франция Тунисни ҳам эгаллаб олди. Биринчидан, Тунис Франциянинг Шимолий Африкадаги энг йирик ва ўзлаштирилган мустамлакаси — Жазоир билан чегарадош эди. Иккинчидан, Тунис ҳукмдорлари Муҳаммад Али сингари ўз ислохотларида Наполеон давридаги Франциянинг давлат қурилиш тажрибасига таянган эди. Учинчидан, Франция Тунис олий раҳбарияти оиласининг ва давлат хазинасининг энг йирик кредитори ҳам эди.

Юқорида айтиб ўтилган Берлин конгрессида Франция Тунисни забт этиш ғоясини илгари суради. 1877 йилда бу борада Буюк Британия ва Германиянинг розилигини олади. Франция бир неча йиллик саъй-ҳаракатлар натижасида 1881 йилда ўз ниятига эришади — Бей Муҳаммад ас-Содиқ Туниснинг француз қўшинлари томонидан оккупация қилинишига розилик берувчи ҳужжатга имзо чекади. Шу тариқа Тунис Франциянинг мустамлакасига айланади. Италия ва Туркия ҳукуматлари томонидан билдирилган норозилик эса Франция томонидан инобатга олинмайди. 1883 йил 8 июнда имзоланган конвенцияга биноан Тунисни бошқариш режими расман “протекторат” номини олди.

³² Манфред А. З, Внешняя политика Франции 1871-1891 годов. М., 1952;

Албатта, Франция Тунисни ҳар томонлама ривожлантиришдаги ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш керак. 1881 йилдан бошлаб Тунисга чет эл капиталининг кириб келиши кескин кўпайди. Айниқса, Туниснинг табиий бойликларини ўзлаштиришга йўналтирилган саноатга Франция, Италия, Бельгия компаниялари йирик инвестициялар киритди. Шиддат билан ривожланаётган қўрғошин маъдани ва фосфорит қазиб олиш саноати учун темир йўллар қурилди, портлар модернизация қилинди, телеграф алоқаси яхшиланди. Мустамлакачилик билан бирга, французларнинг маданий ютуқлари ва ҳаёт тарзи ҳам кириб келди. Тунисда француз газети ҳамда журналлари нашр қилинди, мактаб ва лицейлар очилди, аҳоли орасида француз тили кенг тарқалди. XX аср бошларига келибгина Тунисда миллий интеллигенция шаклланди.

Франция Англиядан фарқли равишда Африкада анъанавий бошқарув институтларини бузиш йўлидан борди (Англия мустамлака режимини мустаҳкамлашда Африка жамиятининг анъанавий ёки яриманъанавий бошқарув тизимига, жамиятнинг юқори қатламига таянган). Яъни французлар мавжуд қабилалар ҳудудларини қайта тақсимлаб, уларнинг ички ишларига кўпол равишда аралашди, маҳаллий ҳукмдорларни ағдариб, ўз бошқарувчиларини тайинлади. Француз тили мустамлакалардаги расмий тил деб эълон қилинди. Бироқ XX асрнинг бошларидаёқ айрим мустамлака амалдорлари томонидан бевосита бошқарув хато деб тан олинди, билвосита бошқарув усули жорий қилина бошланди.

Мустамлакаларни бошқаришнинг Англия жорий қилган усули билвосита, Францияники эса бевосита (ёки тўғридан-тўғри) деб аталиб, Португалия, Бельгия ва Германия мустамлакаларида ҳам шу бошқарув усуллари ёки уларнинг турли аралаш шакллари қўлланилди.

Мустамлакачиликнинг дастлабки даврида босиб олинган ҳудудлардаги ҳокимият тўлиқ ҳарбийлар қўлида тўпланган эди. Кейинчалик, ўз ҳокимиятини мустаҳкамлагандан сўнг, империалистик давлатлар ҳукуматлари мустамлакаларни бошқаришни фуқаролик маъмуриятлари қўлига топширди.

Бошқа Европа давлатларидан фарқли равишда Франция ўз мустамлакаларида иқтисодий эксплуатацияни давлат заёмлари шаклидаги давлат сектори орқали амалга оширди. Мустамлака заёмлари бўйича қонун билан ўрнатилган давлат мажбуриятлари мазкур заёмларни барқарор фойда келтирувчи ва француз рантёси талабларини қондирувчи қимматбаҳо қоғозга айлантирганди. Бу ҳол француз мустамлакачилигининг ўзига хос томони – судхўрлик характерини очиқ беради.

Заёмлардан келадиган маблағ мустамлакаларда турли кўринишларни олиб боровчи пудратчи фирмаларга эга бўлган йирик саноатчилар ва банкларга бериларди. Масалан, шу усулда Гуэнбанкирлари фирмаси 1880-йиллари Дакар – Сен-Луи темир йўлини қурди. Саноатчи ва банкирларга қарашли фирмалар мустамлакаларда йиллар қурилишидан ташқари денгиз катнови ва савдо фирмаларига ҳам эгалик қилишар

эдилар. Францияга қарашли Ғарбий Африкада инвестицияларнинг 30 фоиздан кўпроғи савдога жойлаштирилган эди³³.

Франция Африка қитъасининг катта қисми — 50,5 млн. аҳоли (африкаликлар умумий сонининг 32,3%) яшайдиган 42,1% худудини эгаллаб олган бўлса-да, Франция мустамлакаларининг асосий қисми Ғарбий ва Экваториал Африкада жойлашган ва анча қисми Саҳрои Кабирга тўғри келарди. Франция мустамлакаларида табиий бойликларнинг аниқланган захираси унчалик кўп эмасди. Қолган худудларни Бельгия, Португалия, Испания, Германия ва Италия ўзаро бўлишиб олдилар.

XIX аср 70-йилларида Африка қитъасининг фақат 10,8 фоизи европаликларга тегишли эди. 30 йилдан камроқ вақт ўтиб, 1900 йили Африканинг 90,4 фоиз худуди Европа давлатларининг мустамлакасига айлантирилди. Империалистик давлатларнинг Африкани бўлиб олиш жараёни якунланди. Ўз Ватанини ва мустақиллигини ҳимоя қилган юз минглаб африкаликлар мустамлакачилар билан бўлган тенгсиз жангларда ҳалок бўлдилар. Мустамлакачилар эса қитъанинг табиий бойликларини талаш, аҳолисини шафқатсиз эксплуатация қилиш натижасида чексиз бойликлар орттириб, Европани юксалтиришга ҳисса қўшдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

Кўшимча адабиётлар

6. Эргашев Ш. Жаҳон тарихи. Янги давр. 2-қисм. (1800-1918 йиллар) ўқув қўлланма. Т.: “O‘zbekiston”, 2015
7. Манфред А. З. Внешняя политика Франции 1871-1891 годов. М., 1952;
8. Ротштейн Ф. А. Международные отношения в конце XIX века. М.; Л., 1960.
9. История дипломатии. Т. II. М., 1963.
10. Субботин В. А. Колониальная политика Франции в Западной Африке (1880-1900). М., 1959;

³³ Манфред А. З. Внешняя политика Франции 1871-1891 годов. М., 1952;

11. Политика Франции в Северо-Восточной Африке вконец XIX в. // Мир в новое время. Сборник материалов Девятой все российской научной конференции студентов, аспирантов и молодых ученых по проблемам мировой истории XVI-XXI вв. СПб., 2007. С. 35-37;

12. Морозов Е. В. Политика Франции в Северо-Восточной Африке в конце XIX в. // Мир в новое время. Сборник материалов Девятой все российской научной конференции студентов, аспирантов и молодых ученых по проблемам мировой истории XVI-XXI вв. СПб., 2007. С. 35-37. 0,25 п. л.